

Ўзбекистон Республикаси номидан  
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

Самарқанд шаҳри

2023 йил 09 октябрь

Самарқанд шаҳар иқтисодий судининг судьяси Р.М.Бегимов раислигида, судья ёрдамчиси Г.Камоловнинг суд мажлиси котиблигида, даъвогар [REDACTED] нинг жавобгар [REDACTED] га нисбатан берган даъво аризаси асосида кўзғатилган иқтисодий ишни, Самарқанд шаҳар иқтисодий суди биносида, очиқ суд мажлиси муҳокамасида, даъвогар вакиллари Б.Хасанов (ишончнома асосида), Ф.Музаффарова (ишончнома асосида), жавобгар [REDACTED] раҳбари М.Исхаков, вакили З.Зияева (ишончнома асосида) ва адвокати К.Иннатуллаев (ишончнома ва ордер асосида)лар иштирокида кўриб чиқиб, суд қуйидагиларни-

**А Н И Қ Л А Д И:**

Самарқанд шаҳар иқтисодий судига даъвогар [REDACTED] даъво аризаси билан мурожаат қилиб, даъво талабида жавобгар [REDACTED] нинг ҳаракатларида ҳуқуқни суиистеъмол қилиш ҳолатлари мавжудлигидан ва жамият томонидан 151 609 800 сўм ҚҚС асосиз ҳисобга олинганлигидан келиб чиқиб, [REDACTED] дан 151 609 800 сўм қўшилган қиймат солиғини ундиришни сўраган.

Суднинг 2023 йил 03 октябрдаги ажрими билан ишга низонинг предметига мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида “Diyorbek buildings” МЧЖ ва “Qoraqo`yli texnika” ХКлар жалб қилинган.

Тегишли тартибда суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилинган учинчи шахслар суд муҳокамасига вакили иштирокини таъминламади.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 170-моддаси учинчи қисмига асосланиб, ишни учинчи шахслар иштирокисиз кўриб чиқишни лозим деб топди.

Суд муҳокамаси муҳокамасида иштирок этган даъвогар вакили Б.Хасанов ва Ф.Музаффаровалар судга кўргазма бериб, даъво талабини қувватлаб, жавобгар ва унинг контрагентлари бугунги кунга қадар даъво аризасида кўрсатилган 151 609 800 сўм ҚҚСни тўламаганлигини билдириб, даъво аризасини тўлиқ қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлиси муҳокамасида иштирок этган жавобгар вакиллари М.Исхаков, З.Зияева ва К.Иннатуллаевлар судга кўргазма бериб, даъвони тан олмасдан, контрагентлари шартнома тузилган пайтда ҚҚС тўловчиси бўлганлигини, контрагентлар билан пудрат шартномалари ва улар асосида бажарилган қурилиш ишлари қонуний амалга оширилганлигини, шартномаларда назарда тутилган ишларни контрагентларнинг ўзлари бажарганлигини, бу ҳолатлар олдинги даъво аризаси кўрилганда ўз исботини топганлигини, бажарилган ишлар ҳақини ҚҚС билан тўлиқ тўлаб берганлигини билдириб, даъвогарнинг даъвосини қаноатлантиришни рад этишни сўради.

Суд, тарафлар вакилларининг кўргазмасини тинглаб, олдинги суд муҳокамаларидаги кўргазмаларини инобатга олиб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра даъвони тўлиқ қаноатлантиришни лозим деб ҳисоблайди.



Ишдаги ҳужжатлардан ва суд мажлисида аниқланган ҳолатлардан маълум бўлишича, [REDACTED] нинг 2022 йил 29 апрелдаги 00651-kt-сонли буйруғига асосан [REDACTED] нинг 2022 йил январь-декабрь, 2021 йил январь-декабрь, 2022 йил январь-февраль ойлари давомидаги фаолиятида қўшилган қиймат солиғининг ҳисобланиши ва тўланиши юзасидан камерал солиқ текшируви ўтказилган.

Текширувда [REDACTED] нинг контрагентлари “Diyorbek buildings” МЧЖ ва “Qoraqo`yli texnika” ХКлар ўртасида тузилган битимлар асосида шубҳали молиявий операциялар амалга оширилганлиги ҳамда улар томонидан қонунга зид тарзда расмийлаштириб берилган ҳисобварақ-фактуралар [REDACTED] нинг солиқ ҳисоботларида акс эттирилганлиги натижасида жами 151 609 800 сўм қўшилган қиймат солиғи асоссиз ҳисобга олинганлиги аниқланган.

Даъвогар томонидан камерал текширувда аниқланган ҳолатлар бўйича [REDACTED] нинг шахсий кабинетига 2022 йил 12 май куни 20/1-39143-сонли талабнома юборилиб, асоссиз ҳисобга олинган ҚҚС суммасига тузатиш киритган ҳолда аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини 5 кунлик муддат давомида тақдим этиш сўралган. Жавобгар томонидан аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи тақдим этилмаган.

[REDACTED] томонидан талабномага нисбатан “Электрон солиқ хизматлари” портали орқали 2022 йил 26 май кунидаги 1325578-2022-сонли хат орқали эътироз билдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 14-моддаси, саккизинчи қисмига мувофиқ ушбу моддада кўрсатилган ҳуқуқни суиистеъмол қилишнинг, битим қалбақчилигининг (кўзбўямачилик учун тузилганлигининг) ҳолатларини аниқлаш, шунингдек уларнинг оқибатларини қўллаш солиқ органлари томонидан, солиқ тўловчи норози бўлган тақдирда эса, солиқ органларининг даъвоси бўйича суд томонидан амалга оширилади.

Даъвогар Солиқ кодексининг ушбу моддасига асосланиб, солиқ тўловчидан асоссиз ҳисобга олинган 151 609 800 сўм қўшилган қиймат солиғини ундириш учун даъво аризаси билан судга мурожаат қилган.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, [REDACTED] ва унинг контрагенти “Diyorbek buildings” МЧЖ ўртасида 2020 йил 27 апрелда тузилган 27/04-сонли шартномага асосан Қўшработ туманидаги сув иншооти қурилиши бўйича 2020 йил 15 июнь куни расмийлаштирилган 46-сонли ҳисобварақ-фактураси билан ҚҚС суммаси 46 414 172,87 сўм, умумий қиймати 355 841 992 сўмлик, 2020 йил 07 октябрдаги 7/10-сонли шартномага асосан бажарилган қурилиш ишлари бўйича 2020 йил 30 октябрдаги 196-сонли ҳисоварақ-фактурасига билан ҚҚС суммаси 65 217 391,3 сўм, умумий қиймати 500 000 000 сўмлик, жами 855 841 992 сўмлик қурилиш ишлари учун электрон ҳисоб-фактуралар расмийлаштирилиб, ўз ўрнида бажарилган ишлар қийматидан келиб чиқиб, 111 631 564,17 сўм ҚҚС ҳисобга олинган.

Аммо, [REDACTED] томонидан ҳисобга олинган 111 631 564,17 сўм ҚҚС суммасига оид ҳужжатлар таҳлил қилинганда, “Diyorbek buildings” МЧЖнинг бухгалтерияси ҳисоботларида юқорида қайд этилган хўжалик шартномаси ва электрон ҳисоб-фактуралари асосида реализация қилинган 855 842 000 сўмлик бажарилган ишлардан келиб тушган пул маблағлари ҳисобидан солиқлар тўланмасдан, нақдлаштириб юборилганлиги аниқланган.

Даъвогар томонидан Солиқ қўмитасининг ахборотлар тизимидаги алумотлар билан солиштириб, жамият томонидан тақдим этилган ҳисоботлар



тахлил қилинганда, жамиятда текширилган давр мобайнида жами 9 нафар ходим ишлаб келаётганлиги, шундан 1 нафари корхона ҳисобчиси, 1 нафар мастер ва 7 нафар ишчилар эканлиги, юқоридаги икки шартнома бўйича бажарилган 855 842 000 сўмлик қурилиш ишларини бажариш учун уларнинг жисмонан имкони мавжуд бўлмаганлиги, контрагент балансида ҳеч қандай асосий воситалар, ишлаб чиқариш активлари, омборхона ва транспорт воситалари мавжуд бўлмаганлиги, шунингдек, ушбу ташкилот фаолияти давомида асбоб-ускуна ёки транспорт воситаларини ижарага олиш учун пул маблағларини бошқа ташкилотларга ўтказиб бермаганлиги аниқланиб, солиқ тўловчи [REDACTED] ва унинг контрагенти “Diyorbek buildings” МЧЖ ўртасида расмийлаштирилган ҳисобварақ-фактуралари сохта маълумотлар асосида қонун ҳуджжатларига зид тарзда расмийлаштирилиб, [REDACTED] нинг шубҳали ташкилот тоифасига кирувчи “Diyorbek buildings” МЧЖ билан молиявий операцияларни амалга оширишидан кўзланган ягона ва устувор мақсади солиқ тўламаслик тарзидаги асосиз солиқ нафи олишдан ёки ўзи тўлайдиган солиқлар суммасини камайтиришдан иборат бўлган деб ҳисоблаган.

Бундан ташқари, Самарқанд шаҳар прокуратураси томонидан “Diyorbek buildings” МЧЖ мансабдор шахсларига нисбатан 2021 йил 07 август куни Жиноят кодексининг 184-моддаси, учинчи қисми ҳамда 189-моддаси, биринчи қисмига асосан жиноят иши кўзғатилиб, тергов органининг қарорига асосан жамият фаолияти юзасидан ўтказилган солиқ аудити далолатаномасига кўра, мазкур жамият мансабдор шахслари нақдлаштириш фаолияти билан шуғулланиб келишиб, жуда кўп миқдордаги солиқ ва йиғимларни тўлашдан қасдан бўйин товлаганликлари ҳолати аниқланган.

Шунингдек, [REDACTED] ва унинг контрагенти “Qoraqo`yuli texnika” ХК ўртасида 2020 йил 09 октябрда тузилган 9/10-сонли шартномага асосан Ургут тумани Камонгарон ва Воғашти қишлоқларида ичимлик суви иншооти қурилиши бўйича 2020 йил 29 декабрь куни расмийлаштирилган 2-сонли ҳисобварақ-фактураси билан ҚҚС суммаси 39 978 260,87 сўм, умумий қиймати 306 500 000 сўмлик қурилиш ишлари учун электрон ҳисоб-фактураси расмийлаштирилиб, ўз ўрнида бажарилган ишлар қийматидан келиб чиқиб, 39 978 300 сўм ҚҚС ҳисобга олинган.

Аммо, [REDACTED] томонидан ҳисобга олинган 39 978 300 сўм ҚҚС суммасига оид ҳужжатлар таҳлил қилинганда, “Qoraqo`yuli texnika” ХКнинг бухгалтерияси ҳисоботларида юқорида қайд этилган хўжалик шартномаси ва электрон ҳисоб-фактуралари асосида реализация қилинган 306 500 000 сўмлик бажарилган ишлардан келиб тушган пул маблағлари ҳисобидан солиқлар тўланмасдан, нақдлаштириб юборилганлиги аниқланган.

Даъвогар томонидан Солиқ қўмитасининг ахборотлар тизимидаги маълумотлар билан солиштириб, жамият томонидан тақдим этилган ҳисоботлар таҳлил қилинганда, жамиятда текширилган давр мобайнида жами 6 нафар ходим ишлаб келаётганлиги, шундан 1 нафари корхона раҳбари, 1 нафар ҳисобчи, 4 нафар ишчилар эканлиги, юқоридаги шартнома бўйича бажарилган 306 500 000 сўмлик қурилиш ишларини бажариш учун улар жисмонан имкони мавжуд бўлмаганлиги, контрагент балансида ҳеч қандай асосий воситалар, ишлаб чиқариш активлари, омборхона ва транспорт воситалари мавжуд бўлмаганлиги, шунингдек, ушбу ташкилот фаолияти давомида асбоб-ускуна ёки транспорт воситаларини ижарага олиш учун пул маблағларини бошқа ташкилотларга ўтказиб бермаганлиги аниқланиб, солиқ тўловчи [REDACTED] ва унинг контрагенти “Qoraqo`yuli texnika” ХК ўртасида расмийлаштирилган ҳисобварақ-фактуралар сохта маълумотлар



асосида қонун ҳуджатларига зид тарзда расмийлаштирилган бўлиб, [REDACTED]нинг шубҳали ташкилот тоифасига кирувчи “Qoraqo`yuli texnika” ХК билан молиявий операцияларни амалга оширишидан кўзланган ягона ва устувор мақсади солиқ тўламаслик тарзидаги асосиз солиқ нафи олишдан ёки ўзи тўлайдиган солиқлар суммасини камайтиришдан иборат бўлган деб ҳисоблаган.

Бундан ташқари, Самарқанд туман прокуратураси томонидан “Qoraqo`yuli texnika” ХК мансабдор шахсларига нисбатан 2021 йил 19 май куни Жиноят кодексининг 184-моддаси, учинчи қисми ҳамда 189-моддаси, биринчи қисмига асосан жиноят иши кўзғатилиб, тергов органининг қарорига асосан жамият фаолияти юзасидан ўтказилган солиқ аудити далолатномасига кўра, мазкур жамият мансабдор шахслари томонидан нақдлаштириш фаолияти билан шуғулланиб келишиб, жуда кўп миқдордаги солиқ ва йиғимларни тўлашдан қасддан бўйин товлаганликлари ҳолати аниқланган.

Даъвогар томонидан жавобгар [REDACTED]нинг юқоридаги ҳаракатлари Солиқ кодекси мақсадларида ҳуқуқни суиистеъмол қилиш деб эътироф этилган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 14-моддаси бешинчи қисмида, агар солиқ тўловчи ягона ёки устувор мақсади солиқ тўламаслик тарзидаги асосиз солиқ нафи олишдан ёхуд ўзи тўлайдиган солиқларнинг суммасини камайтиришдан иборат бўлган операцияларни ёки операциялар кетма-кетлигини амалга оширса, унинг бундай ҳаракатлари ушбу Кодекс мақсадларида ҳуқуқни суиистеъмол қилиш деб эътироф этилади деб, 15-моддасида солиқ муносабатларида солиқ тўловчилар контрагентларни танлаш чоғида уларнинг солиқ органларида солиқ тўловчилар сифатида ҳисобга қўйилганлигини, контрагентнинг ишбилармонлик обрўсини, ишлаб чиқариш базаси ва ходимлари мавжудлигини, молиявий ҳолатини, битим бўйича мажбуриятларни бажариш қобилиятини текшириб, лозим даражада эҳтиёткорлик қилиши шарт деб белгиланган.

Бироқ, [REDACTED] томонидан контрагентларнинг ишбилармонлик обрўси, ишлаб чиқариш базаси ва ходимлари мавжудлиги, молиявий ҳолати, битим бўйича мажбуриятларни бажариш қобилияти текшириб қўрилмаган.

Битимнинг кўзбўямачилик учун тузилганлиги, товар ёки хизматлар контрагентда мавжуд эмаслиги, товарлар шартнома тузган шахсдан олинмаганлиги, бундай ҳолат етказиб берувчига ўтказиб берилган пул маблағларини харажат сифатида тан олинмаслигига асос бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 20 февралдаги “Судлар томонидан солиқ қонунчилигини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги 4-сонли Қарорининг 16-бандида Солиқ кодексининг 14-моддасига асосан солиқ органлари солиқ солиш мақсадида барча битимлар ва солиқ тўловчи киришадиган бошқа иқтисодий муносабатлар, уларнинг юридик жиҳатдан расмийлаштирилиши усулидан ёки шартноманинг номланишидан қатъи назар, ўзининг ҳақиқий иқтисодий мазмунидан келиб чиққан ҳолда ҳисобга олиш ваколатига эга эканлиги, бунда қўшимча солиқ ҳисобланиши натижасида ҳосил бўлган солиқ қарзи солиқ органларининг солиқ текшируви бўйича ҳуқуқни суиистеъмол қилишнинг, битим қалбакилигининг (кўзбўямачилик учун тузилганлигининг) ҳолатларини аниқлаш, шунингдек уларнинг оқибатларини қўллашга асосланган ва бунга солиқ тўловчи норози бўлган тақдирда солиқ органи ҳосил бўлган солиқ қарзини ундириш ҳақидаги даъво аризаси билан фуқаролик ишлари бўйича судга ёки иқтисодий судга мурожаат иши лозимлиги тўғрисида тушунтириш берилган.



Бундай ҳолатда, суд даъвогарнинг даъво аризасини асосли ва иш хужжатлари билан ўз исботини топди деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118-моддаси, учинчи қисмига кўра, даъвогар тўлашдан белгиланган тартибда озод қилинган давлат божи, агар жавобгар бож тўлашдан озод қилинмаган бўлса, қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда жавобгардан республика бюджети даромадига ундирилади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, суд даъвогарнинг даъво аризасини тўлиқ қаноатлантиришни, жавобгар [REDACTED] дан даъвогар [REDACTED] орқали давлат бюджетига 151 609 800 сўм қўшилган қиймат солиғини ундиришни, жавобгардан даъвогар фойдасига олдиндан тўланган 33 000 сўм почта харажати ундиришни, ундирилиши лозим бўлган 3 032 196 сўм давлат божини жавобгардан ундиришни лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 14, 15-моддалари, Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 176-179, 186-моддаларини қўллаб, суд-,

### Қ А Р О Р Қ И Л Д И :

Даъвогарнинг даъво аризаси тўлиқ қаноатлантирилсин.

Жавобгар [REDACTED] дан даъвогар [REDACTED] орқали давлат бюджетига 151 609 800 сўм қўшилган қиймат солиғи ундирилсин.

Жавобгар [REDACTED] дан даъвогар [REDACTED] фойдасига 33 000 сўм почта харажати ундирилсин.

Жавобгар [REDACTED] дан Республика бюджетига 3 032 196 сўм давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач, ижро варақаси берилсин.

Мазкур ҳал қилув қароридан норози бўлган тарафлар бир ойлик муддат ичида Самарқанд шаҳар иқтисодий суди орқали Самарқанд вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига апелляция шикоятни бериши (протест келтирилиши) мумкин.

Судья

**Р.М.Бегимов**

